

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT BOJXONA QO'MITASI
TOSHKENT SHAHAR
BOSHQARMASI**

**100185, Toshkent shahri,
Bunyodkor shox ko'chasi 35.
tel.: (371) 120-76-76
faks: (371) 120-76-76**



**УПРАВЛЕНИЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО
ТАМОЖЕННОГО КОМИТЕТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ПО
ГОРОДУ ТАШКЕНТУ**

**100185, город Ташкент,
проспект Бунёдкор 35.
тел.: (371) 120-76-76
факс: (371) 120-76-76**

el. pochta: tashkent_customs@exat.uz

“ 21 ” 03 20 17 yil

№ 01-2/15-3568

**Божхона брокерлари
уюшмаси директори**

А.О.Айрапетьянцга

Тошкент ш. Яшнаобод тумани, Фарғона
йўли кўчаси 11-уй.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 376-сон қарори билан тасдиқланган “Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартиби тўғрисидаги низом”нинг 6, 7-бандлари ва 1-иловасига асосан:

- электрон декларация ва тегишли ҳужжатлар келиб тушгандан сўнг 2 соат ичида пост бошлиғи божхона расмийлаштирувини амалга оширадиган ходимга йўналтириши;

- божхона расмийлаштирувини амалга оширадиган ходим бир иш куни мобайнида электрон декларациянинг тўғри тўлдирилганлиги ва ахборот тизимида ҳужжатларнинг мавжудлигини текшириши, текширув ижобий натижага эга бўлса, зудлик билан рўйхатга олиши, камчиликлар аниқланса 3 соат ичида хатоларни кўрсатган ҳолда божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисга электрон хабар жўнатиши белгиланган.

Бирок, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар томонидан, электрон декларациялар божхона органининг иш вақтидан ташқари вақтда тақдим этилган ҳоларда, белгиланган муддатларга риоя қилишнинг имконияти йўқлиги маълум бўлди.

Шу сабабли, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар томонидан божхона юк декларацияси исталган пайтда тақдим қилиш мумкинлиги, божхона органининг иш вақтидан ташқари вақтда тақдим қилинган декларациялар иш вақти бошлангандан кейин тақсимланиши ва ўрганиб чиқилиши, Давлат божхона кўмитаси томонидан белгиланди.

Юқоридагилар божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисларга тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш учун маълум қилинмоқда.

**Бошлиқ,
божхона хизмати полковниги**

Я.Мирзарахимов